# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 3 сентябрь, № 172 (6355) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Ўзбекистон — Хитой:

# ҲАМКОРЛИК СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК АСОСИДА ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг таклифига биноан 2 сентябрь куни Пекин шаҳрига келди.

*ПЕКИН, 2 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАДОВ хабар қилади.*

Пекин шаҳрининг «Шоуду» халқаро аэропортида мамлакатимиз Президентини расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон делегацияси ўзи учун ажратилган «Дяоюйтай» қароргоҳига йўл олди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари ХХР Раисини Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллиги билан табриклаб, Хитой халқи бу ғалабага улкан ҳисса қўшганини таъкидлади.

— Ушбу шонли санада Сизни ва Сиз орқали бутун Хитой халқини табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди. Истилочиларга қарши курашиб, кўплаб қурбонлар ва катта йўқотишлар эвазига Иккинчи жаҳон урушининг якунланишига салмоқли ҳисса қўшган инсонлар хотираси олдида бош эгамиз. Бу ғалаба бугун дунёда ҳақли равишда муносиб ўрин эгаллаган янги Хитой давлатининг шаклланиши ва ривожланишига замин яратган, — деди Ислом Каримов.

ХХР Раиси давлатимиз раҳбарини Хитойга ташрифи билан қутлаб, таклифини қабул қилгани учун миннатдорлик билдирди.

— Сиз билан яна бир бор учрашиб турганимдан ғоят хурсандман. Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини Мустақиллик байрами билан табриклайман. Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашган Ўзбекистон халқи Хитойга дардкаш бўлган, халқимизни қўллаб-қувватлаган. Биз буни ҳеч қачон унутмаймиз ва бугунги ўзаро ҳамкорлигимизни ғоят қадрлаймиз, — деди Си Цзиньпин.

Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари стратегик шериклик даражасига кўтарилган. Ўзаро манфаатдорликка асосланган ҳамкорлик сиёсат, иқтисодиёт, савдо, саноат, молия, қурилиш, илм-фан, таълим, маданият соҳаларининг барча йўналишларини қамраб олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар Стратегик шериклик ўрнатиш тўғрисидаги қўшма декларация, Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, Икки томонлама стратегик ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва ривожлантириш ҳақидаги қўшма декларация каби қатор муҳим ҳужжатлар асосида изчил тараққий этмоқда.

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги ривожида Ислом Каримов билан Си Цзиньпин ўртасидаги яқин дўстлик, ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳим ўрин тутмоқда. Икки давлат раҳбарлари мунтазам учрашиб, ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтириш борасида фикр алмашиб келмоқда. ХХР Раиси 2013 йил сентябрь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи билан келди. Давлатимиз раҳбари 2014 йил август ойида давлат ташрифи билан Хитойда бўлди. Ислом Каримов ва Си Цзиньпин жорий йил июль ойида Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммити доирасида Уфа шаҳрида ҳам учрашдилар.

Пекинда ўтган олий даражадаги мулоқот чоғида томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Мамлакатимизда Хитой билан ҳамкорликда қатор йирик инвестициявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўрта Осиё — Хитой газ қувури, Ангрен — Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, «Навоий», «Жиззах» ва «Ангрен» индустриал зоналарида йўлга қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари самарали ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир. Юртимизда Хитой сармояси иштирокида тузилган беш юздан ортиқ корхона фаолият юритмоқда.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми изчил ўсмоқда. Бу кўрсаткич сўнгги 6 йилда 3 карра ортиб, 2014 йилда 4,7 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида ўзаро савдо айланмаси 11,7 фоиз ўсди.

Ислом Каримов Хитой билан ҳамкорликни юксак қадрлашини, ўзаро ишонч ва манфаатдорликка асосланган алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Си Цзиньпин Хитой Ўзбекистонни истиқболли стратегик шерикларидан бири деб билишини, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

Томонлар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга доир кенг кўламли масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Президентимиз Ислом Каримов байрам тантаналари муносабати билан Хитойга таклиф этилган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг норасмий учрашувида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари 3 сентябрь куни Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигига бағишлаб Пекинда ўтказиладиган тантанали маросимларда қатнашади.

**ЎзА.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.

Қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби — **Пан Ги Мун**

Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хэ**

Ўмон Султони — **Қобус бин Саид**

Миср Араб Республикаси Президенти — **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**

Швейцария Конфедерацияси Федерал Президенти — **Симонетта Соммаруга**

Финляндия Республикаси Президенти — **Саули Нийнистё**

Украина Президенти — **Пётр Порошенко**

Молдова Республикаси Президенти — **Николае Тимофти**

Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбаев**

Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Бош котиби — **Толиб Рифаи**

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби — **Дмитрий Мезенцев**

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — Ижрочи котиби — **Сергей Лебедев**

* * *

Иордания Подшоҳи — **Абдуллоҳ II бин ал-Ҳусайн**

Испания Қироли — **Фелипе VI**

Нидерландия Қироли — **Виллем-Александр**

Италия Республикаси Президенти — **Сержо Маттарелла**

Польша Республикаси Президенти — **Анджей Дуда**

Словакия Республикаси Президенти — **Андрей Киска**

Руминия Президенти — **Клаус Йоханнис**

Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**

Вьетнам Социалистик Республикаси Президенти — **Чионг Тан Шанг**

Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**

Австралия Генерал-губернатори — **Питер Косгроув**

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори — **Жозе Грациану да Силва**

«Хуавей Текнолоджи Ко.Лтд» компанияси президенти — **Жэн Чжэнфэй**

Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши аъзоси, «КЛААС» компанияси мустақил консультанти — **Удо Фёлькер**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

*Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги муносабатлар бугунги кунда барча йўналишларда ўзаро манфаатли ривожланиб бораяпти.*

Ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий асоси турли соҳаларни қамраб олган 200 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлардан иборатдир.

Олий ва юқори даражадаги ўзаро ташриф алмашувлари мунтазам равишда амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 2014 йил август ойида Хитойга буюрган давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. 2014 — 2018 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик муносабатларини ривожлантириш дастурининг қабул қилингани мазкур ташрифнинг энг муҳим якуни бўлди. Шунингдек, 6 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамда молиявий битим ва шартномалар мажмуи имзоланди.

Ўзбекистон ҳамда Хитой халқаро тизимлар доирасидаги ҳамкорликни кенгайтира бориб, бир-бирининг манфаатларини илгари суриш масалалари бўйича халқаро майдонда бир-бирини сиёсий қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Хусусан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг муваффақиятли ривожланишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Маълумки, жорий йилда ушбу ташкилотга раислик давлатимизга ўтди. ШҲТ йўналишидаги ҳамкорлик бугунги кунда минтақада ва умуман, бутун дунёда барқарорлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб бормоқда. Шу йил 9-10 июль кунлари ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси чоғида Президент Ислом Каримов томонидан билдирилган Ўзбекистоннинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига раислигидаги устуворликларини Хитой раҳбарияти қўллаб-қувватлади.

(Давоми 2-бетда).

# Энг улуғ, энг азиз байрам

## шодиёналари юртимиз шаҳару қишлоқларида зўр кўтаринкилик билан нишонланди




Бугун озод ва обод Ватанда яшаяпмиз. Истиқлол бизга ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек бекиёс имкониятларни бахш этди. Шу боис ўтаётган ҳар бир кунимиздан рози бўлиб яшамоқдамиз. Эртанги кунга бўлган ишончимиз юксак. Фарзандларимиз камолу иқболидан кўнглимиз тўқ. Бу ўтган йигирма тўрт йил давомида мамлакатимизда “Ислоҳот — ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун!” деган эзгу тамойил асосида амалга оширилган изчил ислоҳотларнинг ёрқин самарасидир.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида шу ҳақда тўхталар экан, жумладан, шундай деди: “Мустақиллик биз учун ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартирган, тарихимизда янги саҳифа очган буюк воқеа бўлиб, Ватанимизни, халқимизни эски мустабид тизим кишанларидан озод қилгани, миллий демократик давлат қуриш, барча мамлакатлар ва халқлар билан тенг бўлиб, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини очиб бергани билан қадрли ва мўътабардир”. Бу энг улуғ, энг азиз байрамимиз муносабати билан жойларда ўтказилган шодиёналарда ҳам яна бир бор намоён бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Рағбат ташаббусга ундайди

*Ҳар йили Мустақиллик айёмини ўзгача интиқлик билан кутамиз. Чунки бу байрамнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ниҳоятда катта. Пойтахтимизда ўтказилган тантаналарни телевизор орқали катта ҳаяжон билан кузатдик.*

## ДИЛ СЎЗИ

Давлатимиз раҳбарининг ушбу маросимдаги табрик сўзини тинглар эканман, қисқа даврда мамлакатимизда қўлга киритилган оламшумул ютуқлар бир-бир кўз олдимда намоён бўлди. Айниқса, Президентимиз “Чуқур ва пухта ўйланган, машҳур беш тамойилга асосланган, бугунги кунда жаҳон миқёсида “ўзбек модели” деб тан олинган стратегик тараққиёт дастурини ишлаб чиқиб, уни амалга оширганимиз, ҳеч шубҳасиз, тарихимизда ўчмас из қолдирди”, дея таъкидлагани қалбимда юксак ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди.

(Давоми 3-бетда).

# Мустақиллик дарслари

Кеча мамлакатимиз таълим муассасаларида янги ўқув йили сабоқлари Президентимизнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир” китобининг мазмун-моҳиятини кенг ўрганиш билан бошланди.

## БИЛИМЛАР КУНИ

Ватанимиз тараққиёти йўлида, жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи ва обрўсининг янада юксалишида, ҳаётимизнинг барча жабҳасидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилашда ёш авлод таълим-тарбияси муҳим ўрин тутади.

Шу боис юртимизда таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури туфайли бугун мамлакатимиз ўқув масканларидаги шарт-шароит тубдан яхшиланди. Мактабларда таълим сифатининг оширилгани, тарбия беришнинг ўзига хос усулларидан кенг фойдаланилаётгани, фарзандларимизнинг иқтидор ва салоҳияти юзага чиқарилаётгани ана шундай саъй-ҳаракатлар мевасидир.

Қувонарлиси, ўғил-қизларимизнинг ёрқин келажаги, камолоти учун амалга оширилаётган ислоҳотлар изчил давом эттирилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

## КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

*Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан “Мустақиллик йилларида маҳалла институти: тажриба, амалиёт ва устувор вазифалар” мавзуида анжуман ўтказилди.*

## Маҳалла институти:

# Тажриба, амалиёт ва устувор вазифалар

Унда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Ички ишлар ҳамда Халқ таълими вазирликлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Республика Маънавият тарғибот маркази ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ давлатимиз раҳбари ташаббуси билан маҳалла институтининг ҳуқуқий асосларини яратиш, уларни замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириб бориш, жамиятимиз сиёсий-иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида ушбу ноёб тузилма мақомини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Аввало, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг ҳудудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилди, уларнинг мақомини белгилаш, ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда).

# ЎЗАРО МАНФААТЛИ АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, томонлар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда ҳам фаол ҳамкорлик қилаяпти. Кўпгина халқаро муаммоларнинг ҳал этилиши юзасидан ҳар икки давлатнинг ёндашувлари ўхшаш ёки яқиндир.

Парламентлараро алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда. 2011 йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Халқ вакиллари Умумхитой кенгаши Доимий қўмитаси ўртасида Ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланган эди. 2014 йилнинг ноябрь ойида Хитой Халқ Республикасининг Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши миллий қўмитаси раиси ўринбосари, Миллатлар ишлари бўйича давлат қўмитаси раиси Ван Чжэнвэй раҳбарлигидаги парламент делегацияси Ўзбекистонга келди. Ўз навбатида, 2015 йилнинг май ойида Ўзбекистон парламенти аъзолари Хитойда бўлдилар.

Мунтазам равишда ҳукумат делегациялари даражасидаги учрашувлар ўтказилмоқда. Икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида 2004 — 2015 йилларда сиёсий маслаҳатлашувларнинг 13 раунди бўлиб ўтди.

2011 йилнинг октябрида Пекинда Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро ҳамкорлик қўмитаси таъсис этилди. Унинг доирасида ҳар йили тармоқ кичик қўмиталарининг йиғилишлари ўтказилмоқда.

Мамлакатларимиз ўзаро манфаат кўриш тамойилларига асосланган ҳолда кўп қиррали савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга устувор даражада аҳамият қаратмоқда.

Ўзаро савдонинг ўсувчанлиги ижобий баҳога лойиқдир. Масалан, кейинги олти йил ичида товар алмашинуви ҳажми уч баробар ўсиб, 2008 йилдаги 1,5 миллиард АҚШ долларидан 2014 йили 4,76 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярми якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 2,1 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Хитой сармояси иштирокида тузилган 582 та корхона фаолият юритмоқда. Уларнинг 81 таси тўлалигича Хитой инвестициялари ҳисобига ташкил этилган. Юртимизда Хитойнинг 70 компанияси ўз ваколатхонасини очган.

Ўзбекистон томони 2011 йили Пекин томонидан илгари сурилган Ўзбекистон — Хитой юқори технологиялар саноат паркини ташкил этиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. У 2013 йилнинг март ойида Сирдарё вилоятида филиали бўлган “Жиззах” махсус индустриал зонаси шаклида ташкил этилди. Ҳозирги пайтда бу ерда мобиль телефонлар, қурилиш ва пардозлаш материаллари, санитар-техник буюмлар, тормоз колодкалари, қуёш сув иситиш коллекторлари, тикув машиналари, тери буюмлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси (CNPC) ва Хитойнинг бошқа компаниялари Ўзбекистон ҳудудида углеводород конларини топиш ҳамда ўзлаштириш лойиҳаларида фаол қатнашмоқда. Мамлакатларимиз ўртасида энг қисқа темир йўл тармоғини барпо қилиш икки томонлама иқтисодий ҳамкорликнинг энг муҳим стратегик масаласи ҳисобланади.

Молиявий соҳадаги ҳамкорлик ҳам фаол ривожланиб бораяпти. Хитой молия институтлари кредитларининг умумий ҳажми 6 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. 1991 — 2014 йиллар оралиғида Хитой томонидан Ўзбекистонга соғлиқни сақлаш, таълим, қишлоқ ва сув хўжалиги, божхона ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш хизматлари салоҳиятини мустаҳкамлаш, кадрлар малакасини ошириш соҳаларидаги 35 та лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш учун қарийб 200 миллион АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари тақдим қилинди. Бугунги кунда уларнинг 25 таси муваффақиятли амалга оширилди.

Шунингдек, давлатларимиз маданият ва илм-фан соҳаларидаги алоқаларни ҳам изчил ривожлантирмоқда. 2003 йили Хитойнинг Чанчунь шаҳрида бўлиб ўтган VI жаҳон ҳайкалтарошлари форуми доирасида буюк миниатюрачи Камолиддин Беҳзод ҳайкали очилди.

Ўзаро маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантиришда “Ўзбекистон — Хитой” ва “Хитой Халқ Республикаси — Марказий Осиё мамлакатлари” дўстлик жамиятлари муҳим аҳамият касб этмоқда. 2013 йилнинг май ойида Шанхай университети ҳузуридаги ШҲТ Жамоат дипломатияси илмий тадқиқот институтида Ўзбекистон тадқиқотлари ва таълим алмашинувлари маркази очилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда ХХР Маданият вазирлиги ўртасидаги 2014 — 2017 йилларга мўлжалланган маданий алмашинувлар дастури маданият йўналишидаги ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлаяпти. Масалан, 2011 йилда Пекин ва Сиань шаҳарларида Ўзбекистон маданияти ҳафталиги, 2012 йилда Тошкент ҳамда Самарқандда Хитой маданияти ҳафталиги ўтказилди. 2013 йили Хитойнинг бир қатор йирик шаҳарларида “Ўзбекистоннинг таниқли рассомлари асарлари” бадиий кўргазмаси ташкил қилинди. Ўз навбатида, 2014 йили хитойлик ёш рассомлар “Тошкент қувончлари” V халқаро болалар расмлари биенналесида иштирок этдилар. Унда тўққиз яшар Пан Юйцзе танловнинг асосий мукофотига сазовор бўлди. Хитойнинг “Jiangsu Women‘s Orchestra” гуруҳи 2015 йил 25-30 август кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг бош соврини — Гран-при билан тақдирланди.

Таълим соҳасида давлат ҳамда идоралараро даражадаги, шу жумладан, ўзбек ва хитой тилларини ўрганиш бўйича талабалар ҳамда амалиётчилар алмашинувларининг кўлами кенгайиб бормоқда. 2005 йили Тошкентда очилган Конфуций институтида ҳар йили 350 нафардан зиёд тингловчи таҳсил олади. Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурида иккинчи Конфуций институти фаолият кўрсатаяпти.

2010 йилнинг июнидан эътиборан ХХР Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими иш олиб бормоқда, 2012/2013 ўқув йилидан бошлаб Пекин чет тиллар университетида ўзбек тили ўқитилиши йўлга қўйилди.

Томонлар сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. 2010 йилдан Ўзбекистон Республикасига хитойлик сайёҳларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб саёҳат қиладиган туристик мамлакат мақомини бериш жараёни бошланди. 2013 йилнинг ноябрь ойида икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида имзоланган сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим бу йўналишдаги алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилаяпти. Хитойлик туроператорлар мунтазам равишда, шу жумладан, “Мега-инфо-тур” дастури доирасида ҳам Ўзбекистонга келишмоқда.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасидаги турли даражаларни қамраб олган бугунги муносабатлар очиқлик ҳамда ишончли мулоқотга асослангани билан янада аҳамиятлидир. Барча соҳадаги икки томонлама алоқаларнинг барқарор ўсувчанлиги ҳисобга олинганда, шуни қайд этиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Хитой Халқ Республикасига буюрган ушбу ташрифи давлатлараро муносабатлар тарихида яна бир муҳим воқеа бўлиб қолиши баробарида, Ўзбекистон — Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янада чуқурлашиши ҳамда янги мазмун билан бойишига хизмат қилади.

**«Жаҳон» АА.**

# Санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги ҳуқуқий асос янада такомиллашди

*Мамлакатимизда кенг кўламли islоҳотлар жараёнида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва узоқ умр кечириши учун қулай турмуш шароитини яратишга қаратилаётган доимий эътибор инсон манфаатларини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.*

## ҚОНУН КУЧГА КИРДИ

Хусусан, санитария-эпидемиология назоратини самарали ташкил этиш, хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш, эмлаш орқали юқумли касалликларга қарши курашишда сезиларли натижаларга эришилмоқда.

Бугунги кунда санитария-эпидемиология хизматининг моддий-техника базаси тобора мустаҳкамланиб, жойларда фаолият юритаётган санитария назорати пунктлари томонидан юртимизга четдан юқумли касалликлар кириб келиши ва аҳоли орасида тарқалишининг олдини олиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ишлари тизимли бажарилаётир. Болаларни юқумли касалликларга қарши бепул эмлаш бўйича миллий тақвим янги вакциналар билан бойитилаяпти. Соҳага йўналтирилаётган Давлат бюджети маблағлари йилдан-йилга оширилмоқда. Ичимлик суви сифати ва очиқ сув ҳавзалари устидан мониторинг олиб бориш, бозорлар, овқатланиш шохобчалари, жамоат жойларида санитария ҳолатини яхшилаш, чиқиндиларнинг инсон саломатлигига салбий таъсирининг олдини олиш, атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш чора-тадбирлари ҳам доимий эътиборда турибди.

Глобаллашув жараёни тобора чуқурлашаётган, тараққиёт кундан-кунга илгарилаётган ҳозирги даврда бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш айни заруратдир. Шу маънода, яқинда кучга кирган “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра ғоятда долзарб ҳисобланади. Айтиш жоизки, мазкур ҳужжат билан ушбу соҳада профилактика тадбирларини ўтказишда санитария-гигиена меъёрлари ва қоидаларига риоя қилишнинг барқарор тизими яратилди.

Қонунда санитария-эпидемиологик осойишталик соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, бу борадаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи органлар ва уларнинг ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан ташқари фуқаролик институтларининг иштироки аниқ кўрсатилган. Шунингдек, атроф-муҳитни соғломлаштириш, инсоннинг овқатланиш, меҳнат қилиш, дам ва таълим-тарбия олиш шарт-шароитларини яхшилашга қаратилган санитария-гигиена ишлари, эпидемияга қарши комплекс чора-тадбирларни ташкил этиш, аҳолининг санитария маданиятини юксалтиришда ҳамкорлик масалаларига ҳам муҳим эътибор қаратилган.

Қонунга кўра, санитария-эпидемиология соҳасида жисмоний ва юридик шахсларнинг, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари билан биргаликда уларнинг жавобгарлиги ўз ифодасини топгани яна бир эътирофли жиҳатдир. Мамлакат ҳудудининг санитария муҳофазаси, юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар, профилактик эмлашлар, дезинфекция тадбирлари, мажбурий тиббий кўриклар, фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар сифатида келтирилади.

Дарҳақиқат, янги Қонун соғлиқни сақлаш тизимини ва бошқа тузилмаларни ислоҳ қилишни чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари ҳамда бошқа дахлдор ташкилотларнинг ушбу соҳадаги фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш саъй-ҳаракатларини яна бир юқори поғонага олиб чиқади. Шу билан бирга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг санитария-гигиеник ва эпидемияга қарши тадбирлар амалга оширилишига кўмаклашиши, бу борада жамоатчилик назоратини амалга ошириши, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларида тегишли ҳудудда яшовчиларнинг кенг равишда иштирок этишини ташкиллаштириши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиши, бу соҳадаги ҳудудий дастурларни тасдиқлаши ва рўёбга чиқариши, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг тегишли ҳудуд аҳолисининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, шунингдек, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилаш ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни изчил олиб бориши ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Хулоса ўрнида айтганда, санитария-эпидемиологик осойишталикни кафолатлаш соҳасида ҳар томонлама чуқур ўйланган, миллий хусусиятларимиз ва илғор халқаро тажрибаларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган мазкур Қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши инсон саломатлигини асраш, аҳолининг осойишта ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашдек эзгу мақсадга хизмат қилади. Зеро, мамлакат тараққиёти жамиятнинг соғломлиги ва ундаги барқарорлик билан узвий боғлиқдир.

**Гавҳар АЛИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари.**

# Бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик ифодаси

*Пойтахтимизнинг Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Республика Байналмилал маданият маркази томонидан “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” мавзуида тадбир ўтказилди.*

## ШУКУҲ

Унда тегишли вазирлик ва идоралар масъул ходимлари, юртимизда фаолият юритаётган миллий маданият марказлари аъзолари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Н. Муҳаммадиев ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида юртимизни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, тенг ҳуқуқлилик ҳамда ўзаро ҳамжиҳатлик шароитида яшаб, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар. Уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, таълим олишлари, ўз қизиқиш ва лаёқатлари бўйича касб-ҳунар эгаллашлари, маданиятлари, урф-одатлари, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантиришлари учун барча имконият яратиб берилган. Бундай беқиёс эътибор натижасида кўп миллатли халқимизнинг бой тарихий-маданий мероси қайта тикланди, қадр топди. Барча миллат вакилларининг давлат бошқаруви, иқтисодий, ижтимоий ва маданий жараёнларда кенг ва эркин иштирок этиши кафолатланди.



Темур МАМАДАМИНОВ (ЎзА) олган сурат.

Қолаверса, мамлакатимизда миллатлар ва динлараро тотувликни мустаҳкамлаш, маънавий-ахлоқий тарбияни кучайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бундай эзгу саъй-ҳаракатлар юртимизда тинчлик-осойишталикни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Айтиш жоизки, Республика Байналмилал маданият маркази томонидан мустақиллигимизнинг 24 йиллиги муносабати билан республикамизнинг барча ҳудудида “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Шу азиз Ватан — барчамизники!”, “Ягона ва аҳил оилада” каби мавзуларда давра суҳбатлари, дўстлик фестиваллари, концертлар, ижодий танловлар, кўргазмалар ўтказилмоқда. Ушбу анжуманлар иштирокчиларга унутилмас онларни туҳфа этаяпти.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ.**

# Энг улуғ, энг азиз байрам

## шодиёналари юртимиз шаҳару қишлоқларида зўр кўтаринкилик билан нишонланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси аҳли ҳам мустақиллигимизнинг 24 йиллик байрамини ҳар соҳада юксак муваффақиятлар билан қарши олди. Чунончи, ўтган қисқа даврда ҳудуд маркази — Нукус шаҳри қиёфаси бутунлай ўзгарди. Кенг ва равон йўллар, муҳташам кўприклар қурилди. Турли рангларда жилоланувчи замонавий фавворалар, кўркам ва шинам уй-жойлар қад ростлади. Қувонарлиси, бундай улкан бунёдкорлик ишларининг қамрови тобора кенгайиб бормоқда. Жорий йилда Президентимиз қарорига мувофиқ, Оролбўйида қарийб 5 триллион 800 миллиард сўмлик инвестицияларни ўзлаштириш белгиланганлиги ҳам фикримиз тасдиғидир.

“Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида Нукус шаҳрида ўтказилган байрам тантанасида ҳам бу каби ютуқ ва муваффақиятлар яна бир бор ўз эътирофини топди. Театрлаштирилган бадиий-мусиқали томошалар барчада катта таассурот қолдирди.

Андижонда эса энг улуғ, энг азиз айёмимиз арафасида 80 дан зиёд саноат, тиббиёт, таълим, маданият ва спорт иншоотлари фойдаланишга топширилди. 35 миллиард 600 миллион сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган ушбу объектларда 700 дан ортиқ иш ўринлари ташкил қилинди. Уларнинг тантанали очилиш маросимлари истиқлол шодиёналарига уланиб кетди.

— Мустақиллик кунида ажойиб байрам туҳфасини қабул қилиб олдик, — дейди Жалақудуқ туманидаги 14-умумтаълим мактаби директори Қизлархон Расулова. — Натижада ўғил-қизларимиз таҳсилни янгидан қурилган муҳташам бинода давом эттириш имкониятига эга бўлдилар. Бундан нафақат жамоамиз, балки ўқувчиларимиз ва уларнинг ота-оналари ҳам беҳад мамнун.

Мамлакатимизнинг барча гўшасида бўлгани каби Бухоро вилоятида ҳам мустақиллигимизнинг йигирма тўрт йиллиги катта шоду хуррамлик билан нишонланди. Байрамнинг асосий тантаналари Президентимиз ташаббуси билан барпо этилган “Бухоро маданий маркази”да бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда эришилган ютуқлар ҳақида атрофлича тўхталиб, иштирокчиларни айём билан қутлади. Санъаткорлар иштирокидаги концерт дастури эса кўнгилларга кўтаринкилик бахш этди.

Тўйга тўёна билан, деганларидек, байрам арафасида Навоий вилоятида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган юзлаб тураржойлар, маданий-маърифий иншоотлар, қатор саноат корхоналари фойдаланишга топширилди. Масалан, шундай фараҳбахш кунларда Қизилтепа ва Кармана туманларида ҳар бири 64 хонадонга мўлжалланган “Камолот” уйларига ёш оилалар кўчиб ўтди. Вилоят марказида янгидан барпо этилган Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғининг ишга туширилиши эса навоийликларга байрам совғаси бўлди.

Самарқандда истиқлолимизнинг 24 йиллик тантаналари “Шарқ тароналари” Х халқаро мусиқа фестивали билан уйғунлик касб этди. Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида байрамона безатилган истироҳат боғлари, хиёбонлар аҳоли билан гавжум бўлиб, уларда юртимиз санъаткорлари ҳамда “Шарқ тароналари” мусиқа фестивалига ташриф буюрган хорижлик меҳмонлар томонидан концерт дастурлари намойиш қилинди.

Самарқанд шаҳридаги “Мўъжиза” амфитеатрида бўлиб ўтган байрам тадбирига меҳнат фахрийлари, талаба-ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда чет эллик сайёҳлар таклиф этилди. Она Ватан, истиқлол, тинчлик-осойишталик мадҳ этилган дилтортар куй-қўшиқлар барчага завқу шавқ улашди.

Қарши шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғида ўтказилган байрам тадбирида мустақиллик йилларида эришилган улкан муваффақиятлар, ўзгариш ва янгиланишлар, “Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?” деган ҳаётий ҳақиқат ўзига хос тарзда ифодаланди.

Таъкидлаш керакки, айём арафасида вилоят бўйича 200 дан ортиқ иншоотлар, жумладан, 12 та касб-ҳунар коллежи, 54 та умумий ўрта таълим мактаби, бир қатор тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.

— Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида Президентимиз Фармонига мувофиқ, “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирландим, — дейди “Ўзгеобурғунефтгаз” акциядорлик компаниясининг “Ҳисоролди нефть ва газ қидирув экспедицияси” масъулияти чекланган жамияти бош технологи Зиядулла Хўжамуродов. — Йигирма етти йилдан буён шу соҳада меҳнат қиламан. Юртимиз эришган улкан муваффақиятларга, оз бўлса-да, ҳиссам қўшилганидан, шу ишларга дахлдорлигимдан жуда хурсандман.

Жиззах вилояти марказидаги “Сангзоркўл” дам олиш маскани шодиёнага муносиб тарзда ранг-баранг панно ва шиорлар билан безатилди. Ён-атрофдаги минглаб чироқлар саҳнага кўрк бериш билан бирга, нурафшон дилларнинг кўзгусига айланди.

Саҳна узра Ўзбекистон мадҳияси янгради. Тадбирда улуғ аждодларимизнинг бой мероси рамзий чиқишлар орқали ифодаланди. Ўтган йигирма тўрт йиллик мустақил тараққиёт даврида эришилган натижалар, ислоҳотлар самараси, халқимизнинг тинч, осуда ҳаёти жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик фазилатлари, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун ҳолда акс эттирилди.

Фарғона шаҳридаги “Ёшлар” амфитеатрида “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” шиори остида бўлиб ўтган байрам тадбирида она-юрт, тинчлик, дўстлик, бағрикенглик каби мавзуларни ўзида мужассамлаштирган саҳна чиқишлари ҳамда дилрабо куй-қўшиқлар шодиёна иштирокчиларига бир олам қувонч бағишлади.

— Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги мен учун қўшалоқ байрам бўлди, — дейди Риштон туманидаги “Мискин” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором Назирова. — Чунки камтарона меҳнатларим Юртбошимиз томонидан юксак эътироф этилиб, “Фидокорона хизматлари учун” ордени билан тақдирландим. Бу нафақат менга, балки бутун жамоамизга, тинч-тотув, аҳил-иноқ яшаётган маҳалладошларимга берилган мукофотдир.

Хоразмда ҳам энг улуғ, энг азиз байрамимиз ҳар галгидек юксак меҳнат зафарлари билан қарши олинди. Байрам арафасида вилоятнинг барча гўшаларида ўнлаб янги ишлаб чиқариш объектлари, тиббиёт муассасалари, тураржой бинолари, муҳташам коллеж ва мактаблар, спорт заллари, гузарлар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари иш бошлади. Маҳаллалар, кўчалар байрамона қиёфа касб этди.

Айниқса, вилоят марказидаги “Авесто” боғ-мажмуида юксак савияда ўтказилган байрам тадбири хоразмликларга унутилмас онларни туҳфа этди. “Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!” эзгу ғоясини ўзида мужассам этган театрлаштирилган дастур барчага манзур бўлди. Таниқли хонандалар, фольклор жамоалар ҳамда халқ досталарининг чиқишларида озод ва обод юртимиз, бугунги дориламон кунларга шукроналик туйғулари тараннум этилди.

Иккинчи мучал ёшини нишонлаётган истиқлол айёми Наманган вилоятидаги шаҳар ва қишлоқларда ҳам катта шодиёнага айланди. Маҳаллалар, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида ўтказилаётган тантанали тадбирларда 24 йил давомида эришилган улкан ютуқлар, юртдошларимиз онгу шууридаги ўзгаришлар, мамлакат ободлиги, иқтисодий тараққиётнинг шиддатли одимларидан фахрланиш ҳисси яна бир карра намоён бўлмоқда.

Карнай-сурнай садолари кўпчиликни вилоят марказидаги “Кичкинтой” боғининг амфитеатрига, байрамнинг бош тадбирига чорлади. Унда сўз олганлар шаҳар ва қишлоқларимиздаги беқиёс ўзгаришлар хусусида гапириб, иштирокчиларни мустақиллик айёми билан муборакбод этди.

Сурхондарёда ҳам истиқлол тантанасининг кўтаринки руҳи ҳар бир шаҳару қишлоққа, ҳар бир хонадонга кириб борди. Натижада айём тадбирлари маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида юксак савияда ўтказилди. Хусусан, Термиз шаҳридаги “Алпомиш” мажмуасида бўлиб ўтган шодиёна иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Байрам дастуридан ўрин олган куй-қўшиқлар, саҳна кўринишларида она-Ватан, Мустақиллик, тинчлик-осойишталик, меҳр-муҳаббат каби эзгу туйғу ва тушунчалар мадҳ этилди.

Сирдарё вилояти аҳли энг улуғ, энг азиз айёмга кўтаринки кайфият билан пешвоз чиқди. Шаҳар ва туманларда бўлиб ўтган шодиёналарда ўтган йиллар мобайнида мамлакатимизнинг жадал тараққиёти, халқимизнинг улкан бунёдкорлик ва яратувчилик ғайрат-шижоати эътироф этилди.

— Мустақиллик байрамимизнинг шукуҳи ўзгача, — дейди шифокор, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби Расул Каримов. — Бугун ким билан учрашманг, юзида фахр-ифтихор, шукроналик ифодаларини кўрасиз. Обод ва кўркам юртимиз жамоли, тинч-фаровон ҳаётимиз эса қувончимизга қувонч қўшади, қалбимиздаги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат туйғуларини янада жўш урдиради.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари вакиллари иштирокидаги байрам тантанаси Гулистон шаҳридаги “Анҳор” мажмуасида бўлиб ўтди. Ушбу дастурни бутун воҳа аҳли вилоят телевидениеси орқали тўғридан-тўғри томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Унда маҳаллий санъаткорлар ва пойтахтдан ташриф буюрган хонандалар ижросида истиқлол, Ватан, тинч-осойишта ҳамда фаровон ҳаётимизни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

Энг улуғ, энг азиз байрам шодиёналарини пойтахт вилояти аҳли ҳам ўзгача кўтаринкилик, катта шоду хуррамлик билан нишонлагани бежиз эмас. Негаки, кейинги йилларда воҳада саноат, йўл-транспорт, коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида залворли қадамлар ташланмоқда. Байрам арафасида жойларда 270 дан ортиқ катта-кичик саноат корхоналари ва хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бекобод, Чиноз, Паркент, Пискент, Зангиота, Қибрай ҳамда Юқори Чирчиқ туманларидаги 10 га яқин қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилган 300 дан зиёд тураржойлар ўз эгаларига топширилди. Ангрен шаҳрида эса хитойлик сармоядорлар иштирокида конвейер тасмалари ҳамда қишлоқ хўжалиги техникалари ва автомобиллар учун шиналар ишлаб чиқаришга мўлжалланган улкан корхонанинг тамал тоши қўйилди. Қиймати 314 миллион АҚШ долларилик мазкур лойиҳа тўлиқ амалга ошгач, бу ерда 1000 дан ортиқ иш ўринлари барпо этилади.

Байрамнинг асосий тантаналари Олмалиқ шаҳридаги марказий стадионда бўлиб ўтди. Унда вилоят фаоллари, фахрийлар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, иқтидорли ёшлар ҳамда уларнинг устоз ва мураббийлари жамулжам бўлдилар. Санъат усталари ҳамда ижрочи ёшлар иштирокидаги катта байрам дастури барчага завқ улашди.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

# Мустақиллик дарслари

*Мустақиллик дарсларида Президентимиз Ислом Каримовнинг яқинда нашрдан чиққан "Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир" китобида илгари сурилган ғоялар, факт ва рақамларга, шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2014 йил май ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзуидаги халқаро конференциянинг очилиш маросимидаги нутқи ҳамда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўрт йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги сўзининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.*

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Чунончи, таълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида жорий йилда Инвестиция дастури доирасида республика бўйича 384 та мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилди. Шундан 29 таси янгидан қуриб фойдаланишга топширилган бўлса, яна 219 таси реконструкция қилинди, 136 та илм маскани капитал таъмирланди. Ушбу мақсадларга жами 341,8 млрд. сўм йўналтирилгани диққатга сазовордир.

...Анъанага кўра, янги ўқув йилининг биринчи сабоғи мактабларда "Мустақиллик дарси" билан бошланди. "Бетакроримсан, ягонасан, она Ватаним — Ўзбекистоним!" шиори остида "Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" мавзуида ўтказилган илк дарсларда келажак сари интилаётган ёшларга Ватанни севиш ҳақиқий бахт эканлиги, мамлакатимиз тинчлигини асраб-авайлаш, унинг тараққиётига ҳисса қўшиш ҳар бир фарзанднинг бурчига айланиши, асосийси, бу ният ва мақсадларга эришиш йўлида ўқувчилар кучли билимга эга бўлиши, одоб-ахлоқ, тарбия билан камолга етиши зарурлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ушбу дарсларда болажонларга республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотлар, эришилган ютуқ ва марралар дунё ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётгани ҳаётий мисоллар воситасида сингдирилди.

Мактаб остонасига эндигина қадам қўйган жажжи ўқувчиларга "Мустақиллик дарси" бошланишидан аввал Президент совғаси туҳфа этилди. Болажонлар Юртбошимизнинг оталарча ғамхўрлигини ҳис этиб, беҳад қувондилар. Зотан, бугун уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай униб-ўсиши, улғайиши учун барча имконият яратилаётир. Ёшларимиз янгича, замон талабига хос, жаҳон андозаларига мос таълим стандартлари асосида бунёд этилган кўркам ва муҳташам ўқув масканларида билим олмоқда.

Халқ таълими вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, янги ўқув йилида 9698 та умумтаълим мактабининг 1-синфига 631 мингдан зиёд ўғил-қиз қабул қилинди.



Уларнинг барчасига 12 номдаги ўқув қуроллари, дарсликлар ва ўқувчи сумкасидан иборат Президент совғаси тантанали равишда топширилди.

Пойтахтимиздаги 300-ихтисослаштирилган мактаб ҳам илғор таълим даргоҳларидан бири ҳисобланади. Бу ерда янги ўқув йили тантанали тадбир билан бошланди. Таълим жараёнига инновацион технологияларни жорий этаётган, изланувчан, фидойи ўқитувчилар ва фаол ўқувчиларга фахрий ёрлиқлар топширилди. Айни пайтда мазкур илм масканида 3324 нафар ўғил-қиз таълим-тарбия олаётир. Биринчи синфга қадам қўйган 425 нафар ўғил-қизга Президент совғаси берилиши тадбирга ўзгача завқ-шавқ бағишлади.

— Таълим масканимиз аниқ фанларга ихтисослаштирилган, — дейди мактаб директори Насиба Камолова. — Мана, бир неча йилдирки, мактабимиз кўплаб йўналишларда юқори рейтинг балларини қўлга киритиб, юртимиздаги энг намунали таълим даргоҳи сифатида эътироф этиб келинаяпти. Ўқувчиларимиз "Билимлар беллашуви", педагогларимиз эса "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" кўрик-танловларида муваффақиятли қатнашишмоқда. Бу таълим муассасамизда энг тажрибали, юқори малакага эга, ўз устида мунтазам ишлайдиган, фидойи, илғор тажрибаларни фаолиятида изчил қўллайдиган фан ўқитувчилари жамлангани билан боғлиқ.

Чиндан ҳам, бугун янгича таълим стандартлари асосида илм олаётган ёшларимизга ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Замонавий ўқув бинолари, кенг ва ёруғ синфхоналар энг сўнгги русумдаги компьютер ҳамда лаборатория жиҳозлари, кутубхона, спорт мажмуаси — буларнинг бари ёшларимиз ихтиёрида.

— Набирамиз Шоҳрухбек бу йил 1-синфга қадам қўйди, — дейди Сергели туманида истиқомат қилувчи Умриниса Аҳмедова. — Унинг ҳисоб-китобга қизиқиши юқори. Мактабга чиқишига қадар санашни, қўшиш ва айиришларни ҳам ўрганиб олди. Шоҳрухбек дарсдан бўш вақтларида ушбу таълим муассасасидаги шахмат тўгарагига ҳам қатнашни мақсад қилган. Юртимизда фарзандларимизнинг, набираларимизнинг бахту саодати йўлида узоқни кўзлаб олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар учун Президентимиздан бениҳоя миннатдормиз!

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида фарзандларимизга юксак илм-фан чўққиларини эгаллашлари, соғлом ва баркамол авлод бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Шундай экан, истиқболимиз эгалари маррани баланд қўйиб, ўз мақсадларига эришишларига ишончимиз комил.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

**Ҳурматли тадбиркорлар ва азиз ҳамюртлар!**

**«Global savdo fayz Buxara» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Суд департаменти Бухоро шаҳар бўлими томонидан ЖИБ Бухоро вилояти судининг 2015 йил 26 майдаги 2-23-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Саидов Ихтиёр Абдуллаевичга тегишли, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 80 V 030 НА бўлган «XCMG JQZ30K» русумли махсус автокран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 502 440 828 сўм.***

Аукцион савдоси 2015 йил 5 октябрь куни соат 11.00 да «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг савдолар залида бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2015 йил 5 октябрдаги аукционда сотилмай қолган тақдирда, унинг такрорий савдоси 2015 йил 20 октябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосига қўйилган махсус кран билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Global savdo fayz Buxara» МЧЖнинг Давлат-тижорат Халқ банки Бухоро шаҳар амалиёт бўлимидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000405017774001, МФО: 00116, СТИР: 302485226.

**Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 1-қават 113-хона. Телефон: (0-365) 221-54-43.**

1275А/617

# Рағбат ташаббусга ундайди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Дарҳақиқат, юртимиз куч-қудрати, халқимиз турмуш фаровонлигининг мустаҳкам пойдевори бўлган иқтисодиётимиз йил сайин юксалиб бормоқда. Бунда мазкур соҳанинг таянчи саналмиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муносиб ўрни бор. Масалан, айни чоғда биргина вилоятимизда 15 мингдан ортиқ ана шундай субъектлар фаолият кўрсатиб, улар томонидан ялпи ҳудудий маҳсулотнинг асосий қисми ишлаб чиқарилмоқда. Буларнинг бари, энг аввало, Юртбошимизнинг хусусий сектор вакилларини доимий равишда қўллаб-қувватлаши, соҳадаги хўжалик юритувчи субъектларга давлат томонидан қатор имтиёз ва имкониятлар яратиб берилаётгани мевасидир. Зеро, эътибор ва рағбат янгидан-янги ғоялар, истиқболли лойиҳалар, эзгу ташаббуслар рўёбига кенг йўл очади. Жумладан, биз ҳам мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб, ишлаб чиқаришни барқарор йўлга қўйиб олдик. Бу билан чекланиб қолмасдан, молия муассасасининг бир миллиард сўм миқдоридаги кредити ёрдамида Фарғона водийсида биринчи бўлиб мода ва дизайн марказини барпо этдик. Иқтидорли дизайнер изланишлари маҳсули асосида чеварларимиз тикаётган элликдан ортиқ турдаги кийим-кечакларга халқаро бозорда ҳам катта қизиқиш билдиришаяпти. Чунончи, ўтган йилнинг ўзида 280 минг АҚШ долларидан ортиқ миқдорда экспорт амалиётларини бажардик. Бу йилги мақсадимиз ундан ҳам юқори.

Истиқлолимизнинг 24 йиллик тўйи менинг ҳаётимда яна бир қувончли воқеа билан ёдда қоладиган бўлди. Самарали меҳнатларим эътиборга олиниб, давлатимиз раҳбари Фармони билан "Дўстлик" орденига муносиб, деб топилдим. Бундан нафақат мен, балки оила аъзоларим, бутун жамоамиз севинди. Ўз навбатида, масъулиятим янада кучайди. Келгусида ўзимга билдирилган юксак ишончни оқлаш учун астойдил меҳнат қилиб, эл-юрт равнақи ва фаровонлигига янада кўпроқ ҳисса қўшишни қатъий мақсад қилдим.

**Бахтиёр УМАРОВ,**
**Наманган туманидаги «Истиқлол текстиль дизайн» масъулияти чекланган жамияти бош директори, «Дўстлик» ордени соҳиби.**

## Маҳалла институти:

# Тажриба, амалиёт ва устувор вазифалар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Биргина сўнгги 3 йилда янги таҳрирдаги "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар ҳамда соҳага оид 16 та низом ҳаётга татбиқ этилди. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича Ўқув курслари ҳамда "Mahalla" маърифий телерадиоканали фаолияти йўлга қўйилди.

Натижада бугун маҳалла аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг амалий ифодасига ҳамда кенг халқ оммасини давлат, ҳокимият идоралари билан боғлаб турувчи мустаҳкам кўприкка айланмоқда. Давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ишлари ҳам тизимли равишда амалга оширилаётир.

Умуман, ҳозирги пайтда юртимизда мавжуд 10 мингга яқин фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан маҳаллий аҳамиятга эга бўлган 30 дан зиёд вазифалар муваффақиятли бажарилаяпти. Миллий ва маънавий қадриятлар, анъана ва урф-одатларимизни асраб-авайлаш, ёшларни баркамол инсонлар сифатида камолга етказиш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган асосда қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ва ёшлар бандлигига кўмаклашиш, ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш шулар жумласидандир.

Маҳаллаларда яраштириш, маърифат ва маънавият, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар билан ишлаш, вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари, тадбиркорлик фаолияти ҳамда оилавий бизнесни ривожлантириш, экология, табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамоатчилик назорати ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича жамоатчилик комиссиялари ташкил этилиши фуқаролар йиғинлари фаолиятида янги имкониятлар яратмоқда.

Тадбирда Президентимиз ташаббуси билан 1992 йилда "Маҳалла" хайрия жамоат фондининг ташкил этилиши фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, маҳаллаларда миллий қадриятларни эъзозлаш ва тарғиб қилиш, маданий-маърифий ишларни кучайтириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашда муҳим роль ўйнаётгани қайд этилди. Хусусан, айни чоғда республикамиз бўйича 9532 та фуқаролар йиғини замонавий компьютер жамламаси, 7746 таси мебель жиҳозлари билан тўлиқ таъминланган. Сўнгги 3 йил давомида 40 га яқин қўлланма ва адабиётлар тайёрланиб, фуқаролар йиғинларига етказиб берилди. Бу эса улар фаолияти янада самарали бўлишига хизмат қилмоқда.

Шу йилнинг биринчи ярмида маҳаллаларда 50 мингдан ортиқ маърифий-маданий тадбирлар ташкил этилишида Фонд ҳудудий тузилмалари томонидан услубий-амалий ёрдамлар кўрсатилди. Фуқаролар йиғинларининг соҳага оид қонун ҳужжатлари ижросини таъминлашдаги фаолиятини ўрганиш, уларнинг илғор тажрибасини кенг оммалаштиришда ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этилаётган "Энг намунали фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари", "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси" кўрик-танловлари ҳам айни муддао бўлаяпти.

Маҳаллаларда истиқомат қилаётган ота-оналарнинг ёш авлод тарбияси билан боғлиқ ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, физиологик билимларини оширишга кўмаклашиш мақсадида 9100 га яқин фуқаролар йиғинлари қошида "Ота-оналар университетлари" фаолияти йўлга қўйилди. 2015 йилнинг биринчи ярмида ушбу жамоатчилик тузилмалари томонидан 56 мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилди. Фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик муносабатлари ҳам тобора ривожланмоқда. Жумладан, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлик механизмини кучайтириш бўйича чора-тадбирлар доирасида жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда 58 мингдан ортиқ тадбирлар ташкил этилди.

Анжуманда маҳаллаларда болалар спортини ривожлантириш мақсадида ҳар йили ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказилаётган "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз паҳлавонлари", "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи", "Биз ақл-идрокли оилалармиз" каби мусобақалар аҳамияти салмоқли бўлаётганига ҳам эътибор қаратилди. Яқинда ўтказилган "Футболимиз келажаги" республика турнирида 1 миллион 260 мингга яқин болалар ва ўсмирлар қатнашгани ҳам ана шундан далолатдир. Бу борада Фонд ва унинг ҳудудий тузилмалари томонидан маҳаллаларда болалар майдончаларини қуриш ва уларнинг фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим омил бўлмоқда. Масалан, сўнгги йилларда Фонд ҳисобидан 1618 та болалар майдончаси қайта таъмирланди, 701 таси намунавий лойиҳа асосида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар ҳам эътиборлидир. Биргина охирги 5 йилда Фонд ҳисобидан 16 мингдан ортиқ оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатилди, 27 минг нафарга яқин фуқароларга кийим-кечак берилди, 2300 дан ортиқ оилалар уй-жойларини таъмирлашга, 600 нафарга яқин ногирон ва боқувчисини йўқотган талабаларга ўқув-шартнома пулини тўлашга ёрдам кўрсатилди.

Бу борадаги хайрли ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам изчил давом эттирилмоқда. Давлат дастури доирасида Фонд ҳисобидан 520 нафар уруш ва меҳнат фахрийсига телевизорлар, 6 минг нафарга яқин кексаларга кийим-кечак олиб берилди, 1200 нафарга яқин ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаш учун моддий ёрдамлар ажратилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи ҳам доимий эътиборда турибди. Оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни қўллаб-қувватлаш мақсадида Фонд ҳудудий тузилмалари ва фуқаролар йиғинлари томонидан шу йилнинг биринчи ярмида ҳудудларда 302 мингдан зиёд янги иш ўринларини яратиш, 41 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектларини ташкил этишга кўмаклашилди. Бу борада, айниқса, 7102 та фуқаролар йиғинида тадбиркорлик фаолиятини — оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида очилган маслаҳат марказларининг ҳиссаси салмоқлидир.

Иштирокчилар томонидан маҳаллалар фаоллари саъй-ҳаракатлари билан жорий йилнинг биринчи ярмида 1,4 миллиондан ортиқ оилаларда маънавий муҳит ўрганилгани ҳамда 32 мингга яқин оилаларда турли низоли ҳолатларга барҳам берилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Бундай кенг кўламли натижаларга эришилишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 10 октябрдаги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Ўқув курслари муҳим ўрин тутмоқда. Ҳозирги пайтгача бу курсларда 36 мингдан ортиқ тизим фаоллари малака оширди.

Тадбирда истиқлол йилларида маҳалла институтини ривожлантириш борасида тўпланган ижобий тажрибалар билан бир қаторда, келгусидаги устувор вазифалар хусусида ҳам батафсил сўз юритилди. Жумладан, маҳаллаларда аҳоли маънавиятини янада кучайтиришга қаратилган тарғибот ишларини изчил давом эттириш, мутасадди давлат органлари ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фуқаролар йиғинларидаги жамоатчилик комиссиялари фаолиятини янада жонлантириш лозимлиги айтилди. Айни чоғда мустақиллик йилларида республикамизда амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, қўлга киритилган улкан ютуқларимиз ҳамда "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?", "Эртага ким бўлишимиз, қандай янги марраларни эгаллашимиз керак?" деган саволларнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб қилиш, юртдошларимизни янги марралар сари руҳлантириш юзасидан зарур фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОНЛАР

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.***

**«Capital realtor group» МЧЖ Фарғона филиалида 2015 йил 7 октябрь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

● Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 20 июлдаги 15-1508/11239-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Қўқон» ҚФЙ, Ингичка қишлоғида жойлашган, ер майдони 4310 кв.м., қурилиш ости майдони 1012,88 кв.м., фойдаланиш майдони 1142,61 кв.м. бўлган, 0001-0015-литерлардаги собиқ шифохона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 5 октябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади.

**2015 йил 18 сентябрь куни соат 14.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:**

**1.** Бешариқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 24 октябрдаги 15-12-10/33264-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Бешариқ тумани, «Янги ҳаёт» МФЙ, Саховат кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 1121,27 кв.м., фойдаланиш майдони 1020,58 кв.м. бўлган, 0001-0009-литерлардаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 99 972 971 сўм.***

**2.** Тошлоқ тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2015 йил 20 апрелдаги 15-1508/3850-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошлоқ тумани, «Тошлоқ» ШФЙ, Фурқат номли МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 863 кв.м., фойдаланиш майдони 352,35 кв.м. бўлган, 0001-0005-литерлардаги ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.***

**3.** Боғдод тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 10 майдаги 15-12-01/6268-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Боғдод тумани, «Зафаробод» ҚФЙ, Зафаробод қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1782 кв.м., фойдаланиш майдони 2018,27 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги икки қаватли марказий таъмирлаш устахонаси.

***Бошланғич баҳоси — 206 403 382 сўм.***

**4.** Суд департаментининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан ЖИБ Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012 сонли ижро варақасига асосан хатланган:

● Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, Қапчуғай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси.

***Бошланғич баҳоси — 269 182 305 сўм.***

● Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Зураймомо» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 11365,27 кв.м., фойдаланиш майдони 4596,42 кв.м. бўлган, 0001-0012-литерлардаги молхона мажмуаси.

***Бошланғич баҳоси — 330 231 197 сўм.***

● Олтиариқ тумани, «Қапчуғай» ҚФЙ, «Қапчуғай» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 3585,71 кв.м., фойдаланиш майдони 3361,38 кв.м. бўлган, 0001-0014-литерлардаги темир-бетон буюмлари ишлаб чиқариш цехи.

***Бошланғич баҳоси — 401 401 371 сўм.***

● Олтиариқ тумани, «Олтиариқ» ҚФЙ, «Кўмирчи» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 112,23 кв.м., фойдаланиш майдони 87,91 кв.м. бўлган, 0001-литердаги 4- савдо дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 33 034 557 сўм.***

**5.** Марғилон шаҳар СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2014 йил 14 июлдаги 15-14-09/8452-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Фарғона шаҳри, «Сурхтепа» МФЙда жойлашган, қурилиш ости майдони 201,42 кв.м., фойдаланиш майдони 173,64 кв.м. бўлган, 0001-0002-литерлардаги озиқ-овқат дўкони.

***Бошланғич баҳоси — 71 746 099 сўм.***

**6.** Қува тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2012 йил 5 июлдаги 15-12-06/21673-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қува тумани, «Намуна» ҚФЙ, Турк қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 2223,01 кв.м., фойдаланиш майдони 212,18 кв.м. бўлган, 0002-0012-литерлардаги 2-трактор гаражининг бир қисми.

***Бошланғич баҳоси — 90 895 763 сўм.***

**7.** Фурқат тумани СИБ томонидан Фарғона вилояти Хўжалик судининг 2013 йил 16 декабрдаги 15-13-07/25223-сонли ва бошқа ижро варақаларига асосан хатланган, Фурқат тумани, «Ғунча» ҚФЙ, Тинчлик қишлоғида жойлашган, қурилиш ости майдони 1393,64 кв.м., фойдаланиш майдони 1284,37 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 103 924 996 сўм.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2015 йил 16 сентябрь куни соат 17.00 да тўхтатилади. Юқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини савдо ташкилотчиси — «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Фарғона шаҳри, Бурҳониддин Марғиноний кўчаси, 35-уй, «Биржа маркази» биноси, 2-қават, 20-хона. Телефонлар: (+99873) 244-42-24, (+99890) 231-38-59.**

Хизматлар лицензияланган.

1274А/34

**«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ**

***очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

«Capital realtor group» МЧЖда 2015 йил 22 сентябрь куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Сергели тумани СИБ томонидан 2015 йил 27 майдаги 01-958/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Сергели-2 Г40 даҳасида жойлашган, умумий майдони 44,19 кв.м. бўлган 2-уй, 24-хонадон қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 56 250 000 сўм.***

Ушбу кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (0-371) 250-19-24.**

Хизматлар лицензияланган.

**Билдириш**

«Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 31 июлдаги 150-сонида чоп этилган хабарномадаги Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Уйғур кўчаси, Ойбек номидаги маҳаллада жойлашган дўконнинг аукцион савдоси Юнусобод тумани суд ижрочилари бўлимининг 2015 йил 25 августдаги хатига асосан тўхтатилди.

**«Capital realtor group» МЧЖ маъмурияти.**

Хизматлар лицензияланган.

1281А/34

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, фармацевтика фанлари доктори, профессор

**Эркин Раҳимович ТОШМУҲАМЕДОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 236-09-25.

E-mail: reklama@xs.uz

02

# «Шарқ тароналари» барча-барчани аҳилликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаётган бетакрор фестивалдир!»

*Ер юзининг сайқали, кўҳна ва ҳамиша навқирон, дея таърифланувчи Самарқандда Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўрт йиллиги арафасида “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали юксак савияда ўтказилди. Бу йил ўнинчи бор уюштирилган мазкур санъат анжумани доирасидаги маънавий-маърифий учрашувлар, илмий-амалий конференциялар, тарихий обидалар ҳамда замонавий масканларга саёҳат унинг иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.*

Ўз навбатида, Истиқлол юртдошларимиз учун беқиёс неъмат эканлигини яна бир карра англатди. Негаки, хорижлик меҳмонларнинг ҳайрати, ҳавасини уйғотган ушбу фестивалнинг ўтказилиши, жонажон диёримиздаги беқиёс ўзгаришлар, одамлар онгу тафаккуридаги юксалиш, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг кўркам қиёфаси — буларнинг барчасига Мустақиллик шарофати билан эришдик. Бундай ютуқ ва муваффақиятларимиз дунёнинг 66 мамлакатидан “Шарқ тароналари”га ташриф буюрган мусиқачилар, хонандалар, олиму мутахассислар томонидан ҳам эътироф этилди. Шу маънода, жаҳон санъат аҳлини бир ерга жамлаб, турли миллатлар, халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашда “Шарқ тароналари” халқаро фестивалининг ўрни беқиёс. Бинобарин, Президентимиз Ислом Каримов ушбу нуфузли мусиқа анжуманининг очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида шундай дедилар: “Мусиқа санъати инсонни ҳамиша эзгуликка чорлайдиган, ҳар қайси одамнинг қалбидаги энг нозик, энг гўзал туйғуларни уйғотадиган буюк илоҳий куч, десак, ўйлайманки, ҳеч ким бу фикрни инкор этолмайди. Чиндан ҳам, дунёдаги турли миллат, тил ва эътиқодга мансуб одамларни, элу элатларни ҳеч қандай таржимонсиз бир-бирига боғлайдиган, муштарак мақсадлар йўлида бирлаштирадиган мусиқа санъати каби қудратли воситани топишнинг ўзи қийин”.

Фестиваль давомида хорижлик санъаткорлар нафақат Самарқанд шаҳрида, шу билан бирга, Тайлоқ, Жомбой, Оқдарё туманларида ҳам ўз чиқишларини намойиш этишди. Уларнинг куй-қўшиқларига маҳаллий аҳоли вакилларининг жўр бўлиши меҳмонларга янада илҳом бағишлади. Жумладан, Жомбой туманидаги 10-болалар мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган ана шундай учрашувда Филиппин ҳамда Жанубий африкалик созанда ва хонандаларнинг бадиий дастурлари мезбонларга қанчалик завқ улашган бўлса, шу мактабнинг ёш истеъдодли ўқувчилари томонидан миллий мусиқа ва қўшиқлар ижро этилгани Ер юзининг олис нуқталаридан келган меҳмонлар ҳавасини уйғотди. Гарчи тадбир дастурлари учун белгиланган вақт якунланган бўлса-да, ҳеч кимнинг санъат ва мусиқа мактабини тарк этгиси келмади. Чунки куй-қўшиқ, тароналар тили, миллати бошқа-бошқа бўлган давлат вакилларини ягона мақсад — Тинчликни мадҳ этишга ундаган эди.

— Жаҳон санъат аҳлининг афсонавий Самарқандга келиб, худди азал-азалдан танишдек дийдорлашганини кўриб, кўнглимиз фахру ифтихорга тўлди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов. — Бундан кўринадики, санъат миллат танламайди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан асос солинган мазкур фестиваль эса моҳияти, кўлами, фалсафаси туфайли жаҳон халқларини бирдек ўзига мафтун этмоқда.

Фестивалнинг юртимиз довруғини дунёга танитиш, турли мамлакатлардан келган иқтидор соҳибларини кашф этиш ва қўллаб-қувватлашдаги ўрни катта. Мисол учун, Самарқандда ўтказилган биринчи “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида озарбайжонлик хонанда Симара Иманова олий мукофот — Гран-прини қўлга киритган эди. Мана шу санъат анжумани Симарани дунёга танитди, деганидир.

Бу ҳақда “Шарқ тароналари — 2015” халқаро мусиқа фестивалига меҳмон сифатида ташриф буюрган Симара Иманова шундай деди:

— Яна бир бор қадимий Самарқандга келиш насиб этганидан бошим кўкка етди. Мен ғурур билан айтаманки, ушбу фестиваль туфайли ижодимда муҳим босқич бошланди. Шу боис юртингизга келганимдан ҳаяжондаман. Президент Ислом Каримовнинг фестиваль очилишига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи бизни ғоят тўлқинлантирди. Ўзбекистон раҳбарининг бугунги шиддатли даврда умримизга маъно-мазмун бахш этадиган маданият ва санъат олами билан яқиндан ошно бўлиш, жаҳонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, гўзал ҳаётни қадрлаш, халқларимизнинг маданий бойликларидан бир-биримизни кўпроқ баҳраманд этиш зарурлиги ҳақидаги сўзлари муҳим аҳамиятга эга. Шу маънода, “Шарқ тароналари” барча-барчани аҳилликка, меҳр-оқибатли бўлишга ундаётган бетакрор фестивалдир.

Дунё санъаткорлари учун Регистон майдонида ўз халқининг мусиқаси, қўшиқлари ва рақс санъатини намоён этиш шарафга айланган. Чунки жаҳоннинг ҳеч бир ерида учрамайдиган ушбу муҳташам саҳнада ўзига хос тарихий-афсонавий муҳит бор. Бу ижодкорга катта илҳом бағишлайди, миллий мумтоз тароналарга янгича, бетакрор гўзаллик ва нафосат бахш этади, санъат мухлислари хотирасида ўчмас из қолдиради.

Нуфузли анжуман меҳмонларини яна бир муҳим жиҳат — Самарқанднинг замонавий қиёфаси мафтун этди. Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган бинолар, кенг ва равон йўллар, сўлим хиёбонлар ҳамда гулзорлар, ҳамма-ҳамаси шаҳар чиройига чирой қўшди.

Бу йил Регистондаги саҳна анча кенгайтирилди. Уни ёритиш бутунлай янгича тизимга ўтказилди. Бунинг учун германиялик мутахассислар билан ҳамкорлик қилинди. Янгича ёритиш тизими Регистон ансамбли учун “Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалидан эсдалик бўлиб қолди.

**Ван Дер ЗЕЕ (Голландия, созанда):**

— Мусиқанинг илоҳийлиги ҳақида кўп эшитганман. Бундай ўхшатиш бежиз айтилмаганлигига эса Самарқандга келиб амин бўлдим. Бошқаларни билмадиму, лекин мен бир нарсага эътибор бердим. Яъни санъаткорларнинг чиқишлари пайтида томошабинларнинг тинглаш маданияти юқорилигига ҳавасим келди. Регистон ансамбли, “Шоҳи Зинда” мажмуаси, Амир Темур мақбараси ва бошқа тарихий обидаларни томоша қилиб, ҳайратландим. Дунё халқларини эзгу мақсад йўлида бирлаштиришда ушбу анжуманнинг ўрни катта эканлиги ҳақида мен кўплаб меҳмонларнинг фикрини эшитдим.

*“Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивали ҳакамлар ҳайъати аъзоси, италиялик мутахассис **Паола Петроселли** эса ўз таассуротларини ўртоқлашиб, шундай деди:*

— Икки йилда бир маротаба ўтказилаётган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали жаҳон миқёсида нишонланадиган энг муҳим маданий тадбирлар сирасига киради. Самарқанд дунёнинг, албатта, бориб кўриш керак бўлган элликта шаҳри қаторида туришини яхши биламиз. Фестиваль асносида ушбу улуғвор шаҳарда бўлиш, унинг жаҳонга донг таратган бебаҳо тарихий обидаларини томоша қилиш, бугунги фаровон ва осуда ҳаёти, асрлар давомида сайқал топган миллий қадрият ҳамда анъаналари, тўкин бозорлари, меҳмондўст халқи билан яқиндан танишиш имконига эга бўлганимиздан бениҳоя бахтиёрмиз.

Анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов айтганидек, айни кунларда буюк Шарқ тимсоли бўлган кўҳна Самарқанднинг замонлар руҳини ўзида мужассам этган ўлмас обидаларидан, мовий гумбазлари ва юксак миноралaридан, маҳобатли пештоқларидан гўёки асрлар садоси таралаётгандек, шу муқаддас заминда яшаб, ижод қилган улуғ мутафаккирлар, аллома ва санъаткорларнинг овозлари янграб тургандек туюлди.

**Кимангули БАКЕ (“Чамангул” гуруҳи аъзоси, Хитой):**

— Жудаям ҳаяжондаман. Бундай муаззам ўлкада яшашни ҳар ким ҳавас қилади, ахир. Юртингизда осойишталик, одамларингизнинг ўзаро муносабатларида самимийлик, ўзгаришлар ва ободончилик замирида фақат эзгулик ётибди. Чунки мамлакатда, энг аввало, инсонлар, уларнинг манфаати учун қулай шарт-шароит яратилсагина, ҳар соҳада юксалиш бўлади. Биз Ўзбекистон диёрида, машҳур Самарқандда ушбу ҳақиқат қарор топаётганига амин бўлдик.

“Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивалининг ёпилиш маросимида махсус тайёрланган 3D форматдаги ёғдули-мусиқий шоу тақдим этилгани ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Дунёнинг йирик шаҳарларида намойиш қилинадиган кўнгилочар шоулардан фарқли равишда Регистон майдонидаги томоша аниқ тарихий далиллар ва воқеаларга асосланди.

— Бу унутилмас томоша бўлди, — дея ҳаяжон билан гапиради ***францияли Анора Габриэл.*** — Мен кўп мамлакатларни айланиб чиқдим, бироқ тарихий воқеаларга бундай эътиборни ҳеч қаерда ҳис қилганим йўқ. Шу заминда камол топиб, дунё тамаддуни ривожига улкан ҳисса қўшган улуғ алломалар сиймоси худди биз билан ёнма-ён ўтиргандек туюлди. Биз ҳайратдан лол қолдик. Ўзбекистон тарихи бир зумга кўз олдимизда гавдалангандек бўлди.

Шундай қилиб “Шарқ тароналари” ўнинчи халқаро мусиқа фестивали якунланди. Аммо унинг шукуҳи, завқу шавқи, олам-олам таассуротлари миллионлаб қалбларда узоқ вақт сақланиб қолишига шубҳа йўқ. Зеро, эзгуликка хизмат қилувчи садолар тинчликни, ҳамжиҳатликни, дўстликни қадрловчи халқлар иштирокида мангу жаранглайверади.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» мухбирлари.**

РЕКЛАМА ЎРНИДА










Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 967. 75 392 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.30 Топширилди — 23.00 1 2 3 4 5